

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.05.2020.I.66.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ЖЎРАХОНОВ МУЗАФФАР ЭСКАНДАРОВИЧ

**КИЧИК БИЗНЕСНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ (Андижон вилояти мисолида)**

08.00.15 – «Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Жўрахонов Музаффар Эскандарович

Кичик бизнесни барқарор ривожлантиришда ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини ошириш йўллари (Андижон вилояти мисолида) 3

Жураханов Музаффар Эскандарович

Пути повышения эффективности производственных факторов для устойчивого развития малого бизнеса (на примере Андижанской области) 29

Jurakhonov Muzaffar Eskandarovich

Ways to increase the efficiency of production factors for sustainable development of small business (In the example on the Andijan region)..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 57

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.05.2020.I.66.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ЖЎРАХОНОВ МУЗАФФАР ЭСКАНДАРОВИЧ

**КИЧИК БИЗНЕСНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ (Андижон вилояти мисолида)**

08.00.15 – «Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.1.PhD/Iqt1269 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мадраҳимов Улуғбек Абдухалилович
иктисодиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ғафуров Убайдулло Вахабович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Махмудов Бахриддин Жураевич
иктисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.05.2020.I.66.03 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 23 июль куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел: (69) 228-76-71; e-mail: nei_info@edu.uz.)

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (404 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел: (0569) 228-76-71; e-mail: nei_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил 10 июль куни тарқатилди.
(2021 йил 10 июлдаги № 2-рақамли реестр баённомаси).



Ш.Д. Саидбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ранси, и.ф.д.

Р.Б. Немоилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.и.

Р.М. Исроилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар ранси, и.ф.и., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида глобал ўзгаришлар ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланмай туриб, тадбиркорликни ривожланишини, айниқса, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Хусусан, кичик ва ўрта бизнес дунё мамлакатларида ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли даромадларининг ўсиши ҳамда турмуш даражаси сифатини таъминлаш борасида муҳим аҳамият касб этади. Дунё тажрибасини кўрсатишича, иқтисодий барқарорлик ресурслардан фойдаланиш даражаси билан узвий боғлиқ бўлиб, ушбу жараён кичик ва ўрта бизнес орқали таъминланади. Шу боис, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида яратилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳамда иш билан бандларнинг асосий қисми кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келади. Ривожланган мамлакатларда иш билан банд бўлганларнинг 60-70 фоизи кичик ва ўрта бизнес соҳасига тегишли. Мазкур соҳанинг ЯИМдаги улуши АҚШда 50 фоиз, Германияда 57 фоиз, Хитойда 60 фоизга тенг. Хитойда патентларнинг 60 фоизи, техник янгиликларнинг 75 фоизи ва янги маҳсулотларнинг 80 фоизи кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келади¹. Кичик бизнес соҳасидаги бундай катта салоҳиятдан оқилона фойдаланиш иқтисодий ўсиш суръатларини янада ошириш, янги иш ўринларини яратиш, даромадларни кўпайтириш ва охир-оқибат, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш имконини беради.

Жаҳоннинг тараққий топган мамлакатларида ҳозирги кунда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланишига, иқтисодий барқарорлигини таъминлашга бўлган таъсирдан келиб чиққан ҳолда муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш юзасидан қатор мақсадли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг барқарор ривожланиши, унинг омил ва манбалари, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, давлат томонидан бошқариш ва қўллаб-қувватлаш, инфратузилма фаолиятини кенгайтириш, молиявий таъминотини такомиллаштириш, омиллари самарадорлигини ошириш, боғлиқ манбаларни эконометрик моделлаштиришнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш, ҳудудий хусусиятлари асосида ихтисослаштириш бўйича муҳим йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш асосида иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. «Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш»² каби муҳим

¹ «Влияние экосистемы МСП на мировую экономику». <https://tass.ru/pmef-2017/articles/4278934>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сон фармони.

вазифалар белгиланган. Мазкур вазифалар бажарилишини таъминлашда, кичик бизнесни барқарор ривожлантиришда ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини ошириш йўлларини такомиллаштириш танланган тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 14 майдаги ПФ-5718-сон «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231-сон «Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, унинг ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ илмий-услубий ишлар хорижий ҳамда маҳаллий олимлар ишларида маълум даражада тадқиқ қилинган. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг илмий-методологик жиҳатлари А.Маршалл, А.Пигу, А.Смит, Д.Коэн, Ж.Б.Сэй, Ж.Кейнс, Й.Шумпетер, М.Минц, М.Фридман, П.Самуэльсон, Р.Кантильон каби хорижий олимлар илмий изланишларида ёритиб ўтилган³.

³ Сэй Ж.Б. Трактаты политической экономии. – М.: Экономика. 1985. – 55 с.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т.1.– М.: Ось, 1977. – 480 с.; Маршалл А. Принципы политической экономии. Т. – 1. – М.: Прогресс, 1993. – 415 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1985. –159 с.; Кейнс Ж. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Экономика, 1948. – С. 238-241.; Минц М., Коэн Д. Энциклопедия малого бизнеса. - М.: Дело. 1996; Самуэльсон П.Э. Экономика / Пер. с англ. 16 -е изд. - М.: Издательский дом «Вильямс», 2003. – С.688; Маршалл А. Принципы экономической науки. В 3-х томах / Пер. с англ. - М.: Прогресс, 1993.– С.832; Пигу А. Теория безработицы.

Шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликни барқарор ривожлантириш, унинг самарадорлик жиҳатлари МДХ мамлакатлари олимлари А.Копысова, А.Савичев, А.Шилкина, А.Цой, В.Горфинкел, В.Карпушкин, В.Рожовский, В.Швандар, Г.Имаева, Г.Петрук, Г.Шерова, Д.Сихимбаева, Е.Козьма, И.Загоруйко, И.Кротов, И.Устич, М.Лапуста, М.Сихимбаев ва Т.Туренко⁴ томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумназарий жиҳатлари Б.Ғойибназаров, Ё.Абдуллаев, М.Болтабаев, М.Қосимова, Р.Ходжаев, С.Ғуломов, Ш.Эргашходжаева, Ш.Юлдашевнинг ишларида баён этилган⁵. Кичик бизнеснинг соҳа ва тармоқлардаги фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда уни ривожлантириш масалалари А.Кулматов, Г.Абдурахмонова, И.Бакиева, И.Умаров, Н.Муродова, О.Арипов, У.Ғафуров, Ҳ.Абулқосимов, Қ.Муфтайдинов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кўриб чиқилган⁶. Шунингдек, кичик бизнеснинг

– М.: Дело, 1999. – С.251; Friedman Milton. Essays in Positive Economics - Chicago University of Chicago Press, 1953.

⁴ Шилкина А.Т., Карпушкин В.В. Проблемы устойчивого развития малого бизнеса в России и Европе. // ЦИТИСЭ. 2017, №3 (12); Имаева Г.Р. Теоретико-методологические аспекты изучения социальной роли малого и среднего предпринимательства. // Мониторинг общественного мнения: экономические и социальные перемены. 2015. №4. С.141-153; Загоруйко И.Ю. исследование развития и оптимизации малого предпринимательства в России в условиях мирового кризиса. // Вестник Пермского университета. 2012, №3; Лапуста М.Г. Малое предпринимательство. – М.: ИНФРА-М, 2011; Копысова А.С. Экономическое стимулирование развития малого предпринимательства на сырьевых территориях: автореф. дис. ... канд. экон. наук / А.С. Копысова. – Екатеринбург, 2005. – 27 с.; Кротов И.И. Развитие малого предпринимательства на основе государственных и муниципальных заказов (на примере регионов Российской Федерации). Дисс...канд.экон.наук. –Пермь. 2015; Козьма Е.С. Устойчивое развитие малого предпринимательства как показатель развития ПМР. // Инновации в науке: научный журнал. – № 1(77). – Новосибирск., Изд. АНС «СибАК», 2018; Шерова Г.К., Сихимбаев М.Р., Сихимбаева Д.Р. Социально-экономические проблемы развития малого бизнеса в Казахстане. // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2017. – № 6-2. – С. 327-330; Малый бизнес. Организация, экономика, управления. Под ред. В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара. -3-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009; Петрук Г.В., Устич И.С. Обеспечение устойчивого развития малого предпринимательства на материалах предприятий Амурской области. // Фундаментальные исследования. – 2014. – № 6-7. – С. 1464-1468; Цой А.В. Развитие малого предпринимательства как одно из основных направлений устойчивого развития экономики // Вестник РМАТ. 2016, № 2. С. 32-36; Туренко Т.А. Малое предпринимательство и его роль в устойчивом развитии экономики // Известия Иркутской государственной экономической академии (Байкальский государственный университет экономики и права). 2010; Савичев А.А. Факторы и условия устойчивого развития малого и среднего предпринимательство. // Вестник университета. 2015, №4. – С. 144-149; Рожковский В.А. Малый бизнес как фактор устойчивого развития сельских территорий. // Вестник Алтайского государственного аграрного университета. 2016, № 4 (138). – С. 189-193.

⁵ Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Мехнат, 2010. – 349 б.; Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: Иктисод-молия, 2008. – 339 с.; Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Иктисодиёт, 2010. – 275 б.; Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: 2008. –365 б.

⁶ Абулқосимов Ҳ.П., Кулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, 2015. – 126 б.; Абдурахманова Г. К. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат таъминлаши асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. Авт...икт.фан.док. – Т., 2016. 77 б. Бакиева И.А. Ўзбекистон енгил саноатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. Дис. ... икт. фан. номз. – Т., 2012.; Умаров И.Ю. Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иктисодий механизмларини такомиллаштириш. Авт.икт. фан. док. – Т.: 2020 й. 70 б; Муродова Н.Қ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Авт...икт.фан.док. –Т.: 2016 й. 107 б; Арипов О.А. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик мухитини ривожлантириш. Авт.икт. фан. док. – Т., 2020 й. 72 б; Ғафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иктисодий механизмларини такомиллаштириш. Авт.икт. фан. док. – Т., 2007 й. 97 б;

ривожланиш тенденциялари ҳамда омиллари таъсирини эконометрик моделлаштириш масалалари Б.Ю.Ходиев, С.К.Салаев каби олимлар томонидан тадқиқ этилган⁷.

Мазкур масаланинг илмий-услубий ҳамда амалий жиҳатларини ривожлантириш, унинг омилларини тадқиқ қилиш асосида самарадорлигини ошириш бўйича илмий изланишларга кам эътибор қаратилган. Шунингдек, вилоят ва унинг ҳудудлари ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш борасидаги изланишларга етарли даражада эътибор берилмаган. Кичик бизнеснинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, уни ишлаб чиқариш омиллари самарадорлиги нуқтаи назаридан тадқиқ этиш зарурати мазкур мавзуни танлашга асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон машинасозлик институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг «Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Андижон вилоятида кичик бизнесни барқарор ривожлантиришда ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик бизнеснинг барқарор ривожланиш тушунчаси ва унинг омиллари бўйича хорижий ҳамда маҳаллий олимлар фикрларини тизимлаштириш;

кичик бизнес фаолияти омиллари самарадорлигини ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;

кичик бизнес фаолиятига омиллар таъсирини миқдор ва самарадорлик даражасини баҳолаш усулларини такомиллаштириш;

кичик бизнеснинг тармоқ ва ҳудуд бўйича хусусиятлари, фаолиятининг барқарорлик даражаси, унга инвестициялар ҳамда меҳнат ресурслари таъсирини баҳолаш;

самарадорликни ошириш асосида кичик бизнесни барқарор ривожлантириш йўллари асослаш;

кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда инфратузилмани ривожлантириш истиқболлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

кичик бизнес барқарорлигини таъминловчи омилларнинг эконометрик тадқиқ қилиш ва прогноз параметрларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилоятида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари танлаб олинган.

Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Дис. ... иқт. фан. д-ри. – Т., 2004.;

⁷ Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш. Дис. ... иқт. фан. д-ри. – Т.: ТДИУ. 2000. - 338 б.; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида). Дис. ... иқт. фан. д-ри. – Т., 2008.

Тадқиқотнинг предмети кичик бизнесни барқарор ривожлантиришда ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини оширишдаги иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, иқтисодий-статистик, эконометрик, монографик таҳлил, гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танланма кузатув, қўйилган муаммоларга мантиқан ёндашиш ва олинган маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш, корреляцион ва регрессион таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида ишчи кучи ва капиталнинг синергик самарадорлигини аниқлаш зарурияти асосланган, натижада инвестицияларнинг икки йиллик ўртача ҳажмини ҳисобга олиб баҳолаш таклифи ишлаб чиқилган;

кичик бизнеснинг барқарор ривожланишини мониторинг қилишда «молиявий», «институционал» ва «ташқи иқтисодий фаолият» индикаторларини киритиб баҳолаш зарурияти асосланган, натижада саноат соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти самарадорлигининг ўрта муддатли инвестицияларга ҳамда технологиялар трансферига боғлиқлиги ҳисоб-китоблар орқали аниқланган;

туман ва шаҳарларда инфратузилма объектлари сони ва турини диверсификациялаш асосида тадбиркорлик соҳасида енгил саноат ва қурилиш индустриясини ривожлантириш орқали аҳоли даромадлари табақаланишини қисқартириш таклифи ишлаб чиқилган;

2025 йилгача бўлган даврда вилоятнинг тадбиркорлик салоҳиятидан оқилона фойдаланишни, меҳнат ресурсларини самарали бандлигини таъминлашни ҳисобга олиб, кичик бизнеснинг иш билан бандликдаги улуши бўйича прогноз ҳисоб-китоблари бажарилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кичик бизнеснинг ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг самарадорлик жиҳатларини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳамда уларни баҳолаш усуллари тадқиқ этилиб, бир тизимга солинган;

кичик бизнеснинг барқарор ривожланиш даражаси «молиявий», «институционал», «ташқи иқтисодий фаолият», «иқтисодий» ва «ижтимоий» индикаторлар асосида мониторинг қилиниб, унинг давомийлигини инвестициялар ва технологиялар трансфери орқали таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

кичик бизнесга хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектларининг ишлаб чиқариш, иш билан бандлик каби натижавий кўрсаткичларга таъсирини ўрганиб, инфратузилма турларини диверсификациялаш асосида соҳани ривожлантириш асосланган;

кичик бизнес барқарор ривожланишининг кўп омилли эконометрик моделлари ишлаб чиқилиб, кучли боғлиқликдаги манбалардан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар берилган ҳамда кичик бизнеснинг ЯХМдаги ва иш билан бандликдаги улуши бўйича прогнозлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлилларнинг математик-статистик ва эконометрик усулларда асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертация доирасида шаклланди ишланмалардан ҳудудларда кичик бизнес соҳа фаолиятини, омилларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, уларни барқарор ривожлантиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, улардан Андижон вилоятида кичик бизнес ва тадбиркорликни иқтисодий барқарорлигини таъминлашга ҳамда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган соҳани ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқишда шунингдек, олий ўқув юртларида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик», «Микроиқтисодиёт», «Менежмент» каби фанлар бўйича дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда илмий-услубий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги орқали намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кичик бизнесни барқарор ривожлантиришда ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини ошириш йўллари бўйича олинган илмий натижалари асосида:

кичик бизнес ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида ишчи кучи ва капиталнинг синергик самарадорлигини аниқлаш зарурияти асосланиши натижасида инвестицияларнинг икки йиллик ўртача ҳажмини ҳисобга олиб, баҳолаш ҳамда омилларнинг миқдор ва самарадорликларини аниқлаш индикаторларини баҳолаш усули Андижон вилоятининг «2019-2022 йилларда Андижон вилоятида саноатни ривожлантириш дастури»ни тайёрлашда, «Андижон вилоятида аҳоли бандлигини ошириш» дастурини мониторинг қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 11 январдаги 03/14-01-10/10-2232-сон, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат Палатасининг 2021 йил 11 февралдаги 11/03-16-1290-сон маълумотномалари). Натижада Андижон вилоятида кичик бизнеснинг ЯХМдаги улуши 0,2 фоизга самарали ижобий ўзгаришига эришилган;

кичик бизнеснинг барқарор ривожланишини мониторинг қилишда «молиявий», «институционал» ва «ташқи иқтисодий фаолият» индикаторларини киритиб баҳолаш зарурати асосланиши натижасида саноат соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ва соҳанинг умумий

барқарорлигини ўрта муддатли инвестицияларга ҳамда технологиялар трансферига боғлиқлиги бўйича аниқланган ҳисоб-китоблардан Андижон вилоятининг «Тармоқларни ривожлантириш юзасидан ҳудудий инвестиция дастури»ни мониторинг қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 11 январдаги 03/14-01-10/10-2232-сон маълумотномаси). Натижада Андижон вилоятида кичик бизнеснинг экспортдаги улуши 0,2 фоизга самарали ижобий ўзгаришига эришилган;

туман ва шаҳарларда инфратузилма объектлари сони ва турини диверсификациялаш асосида тадбиркорлик соҳасида енгил саноат ва қурилиш индустриясини ривожлантириш орқали аҳоли даромадлари табақаланишини қисқартириш ҳамда тадбиркорлик барқарорлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф Андижон вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг «Кичик бизнеснинг иқтисодиёт тармоқларидаги улуши» номли иловасини, «Ҳар бир оила тадбиркор», «Хотин қизларни тадбиркорликка жалб этиш» дастурларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 11 январдаги 03/14-01-10/10-2232-сон, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат Палатасининг 2021 йил 11 февралдаги 11/03-16-1290-сон маълумотномалари). Илмий натижалардан фойдаланиш ёрдамида Андижон вилоятида кичик бизнес субъектлари сони 0,6 фоизга самарали ижобий ўзгаришига эришилган;

2025 йилгача бўлган даврда вилоятнинг тадбиркорлик салоҳиятидан оқилона фойдаланишни, меҳнат ресурсларини самарали бандлигини таъминлашни ҳисобга олиб, кичик бизнеснинг иш билан бандликдаги улуши бўйича бажарилган прогноз ҳисоб-китоблари ҳамда кичик бизнес ривожланишига омиллар таъсирини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган эконометрик моделлардан Андижон вилоятининг «Андижон вилоятининг 2019-2030 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси» истиқбол кўрсаткичларини белгилашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 11 январдаги 03/14-01-10/10-2232-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш орқали Андижон вилоятида кичик бизнеснинг иш билан банд бўлганлардаги улуши 0,3 фоизга самарали ижобий ўзгаришларига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий ишлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий журналларда 6

та илмий мақола, шундан 1 таси хорижий ва 5 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари акс этирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кичик бизнесни барқарор ривожлантиришда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида кичик бизнеснинг иқтисодий таракқиётидаги ўрни ва аҳамияти, кичик бизнеснинг барқарорлиги ва уни ишлаб чиқариш омиллари самарадорлиги асосида таъминлашнинг илмий-услубий жиҳатлари маҳаллий ҳамда хорижий илмий ишлар асосида тизимли равишда тадқиқ этилган. Мазкур бобда кичик бизнес омиллари самарадорлиги, унинг ўзига хос хусусиятлари бўйича илмий изланишлар умумлаштирилган. Шунингдек, кичик бизнес ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи индикаторлари ҳамда уларни баҳолаш услублари бўйича муаллифлик ёндашувлари ишлаб чиқилган.

Кичик бизнес бўйича амалга оширилган тадқиқотларда мазкур соҳа фаолиятини ташкил этиш билан бирга, ривожланишига ҳам алоҳида эътибор берилган. Жумладан, тадқиқотлар натижасига кўра соҳанинг ривожланиши устувор аҳамият касб этади.

Узоқ хорижий давлатлар олимлари кичик бизнесни ривожланишини иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлардаги улуши билан асослаб, таъриф беришган. МДХ мамлакатлари олимлари эса, ушбу тушунчани турлича талқин этадилар. Жумладан, Е.С.Козьма фикрича, кичик бизнесни ривожланиши – асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги кичик бизнеснинг улушини юқори даражада акс этишидир⁸. Шунингдек, Г.К.Шерова, Д.Р.Сихимбаева, М.Р.Сихимбаевлар томонидан берилган таърифга кўра, кичик бизнесни ривожланиши бу ушбу соҳанинг мамлакат иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлардаги ижобий ўзгаришидир⁹. Маҳаллий олимларимиз изланишларида юқоридаги фикрлар билан бирга мазкур соҳага

⁸ Козьма Е.С. Устойчивое развитие малого предпринимательства как показатель развития ПМР // Инновации в науке: научный журнал. – № 1(77). – Новосибирск., Изд. АНС «СибАК», 2018. – С. 33-35.

⁹ Шерова Г.К., Сихимбаев М.Р., Сихимбаева Д.Р. Социально-экономические проблемы развития малого бизнеса в Казахстане. // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2017. – № 6-2. – С. 327-330.

молиялаштириш тизимини ривожлантириш¹⁰ ҳамда соҳанинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва ундан тўлиқ фойдаланиш орқали ёндашилган¹¹. Шундай бўлса-да, асосий қарашларда ушбу соҳанинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ўсиши билан таърифланган. Демак, кичик бизнес ривожланиши – миллий иқтисодий тизим ҳамда унинг соҳа ва тармоқлари, ҳудудлари иқтисодий кўрсаткичларидаги улушининг миқдор ҳамда сифат жиҳатларини ижобий ўзгаришидир.

Жорий вақтга келиб, мазкур соҳани нафақат ривожлантириш, балки барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган изланишлар кўлами кенгаймоқда. Кичик бизнесни барқарор ривожлантириш билан боғлиқ изланишларда асосий эътибор соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Жумладан, Г.В.Петрук ва И.С.Устичнинг фикрича, кичик бизнесни барқарор ривожлантириш давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда маҳаллий ва ҳудудий ҳокимиятлар ролини ошириш асосида амалга оширилади¹². Р.Хусаинов ва М.Давлатовалар кичик бизнеснинг иқтисодий барқарорлигини солиқ тизими билан боғлашган бўлса¹³, М.Умарованинг фикрича, кичик бизнеснинг барқарор ривожланишига давлат томонидан яратилган шарт-шароитлар, унинг қўллаб-қувватлаши асосида эришилади.

Юқоридаги фикрлар билан бирга ижтимоий жиҳатларни эътиборга олган ҳолдаги тадқиқотлар ҳам амалга оширилган. Жумладан, Т.Туренконинг фикрича¹⁴, кичик ва ўрта бизнеснинг барқарор ривожланиши ишчи-ҳодимларнинг ўзаро ўрнини тўлдиролди олиш қобилияти асосида таъминланади. И.Чориев ва А.Маматқулов кичик бизнес барқарор ривожланишини ижтимоий кўрсаткичлар барқарорлашуви асосида юз берадиган ривожланиш, дея таъриф берганлар¹⁵.

Демак, кичик бизнеснинг барқарор ривожланиши дейилганда соҳанинг узок муддатларда кўрсаткичларининг миқдор ва сифат жиҳатлари ижобий ўзгариши тушунилади. Шунингдек, унинг асосини ишлаб чиқариш омилларидан самарали ва оқилона фойдаланиш ташкил этади. Бу эса, кичик бизнесни барқарор ривожлантириш масаласини ўрганишда ишлаб чиқариш омилларига алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

Кичик бизнеснинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда афзалликлари каторида ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Кичик бизнеснинг ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш, унинг

¹⁰ Султонова Н.И. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни микромолиялаштириш: назария ва амалиёт. // Халқаро молия ва ҳисоб илмий-электрон журналі. 2019, №3.


¹¹ Юсупов Б. Ўзбекистонда кичик бизнесни иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати ва имкониятлари. // Халқаро молия ва ҳисоб илмий-электрон журналі. 2018, №6.

¹² Петрук Г.В., Устич И.С. Обеспечение устойчивого развития малого предпринимательства на материалах предприятий Амурской области. // Фундаментальные исследования. – 2014. – № 6-7. – С. 1464-1468.

¹³ Хусаинов Р.Р., Давлатова М.А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ривожланишида солиқ имтиёзларининг аҳамияти. // Иқтисод ва молия. 2016. №5.

¹⁴ Туренко Т.А. Малое предпринимательство и его роль в устойчивом развитии экономики. // Известия Иркутской государственной экономической академии (Байкальский государственный университет экономики и права). 2010, №5. С. 223-229.

¹⁵ Чориев И., Маматқулов А. Кичик бизнес субъектлари ривожланишининг аҳоли табақаланишига таъсири. // Халқаро молия ва ҳисоб илмий-электрон журналі. 2018, №6.



1–расм. Кичик бизнес фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи манбалар ва унинг натijавий кўрсаткичлари¹⁶

¹⁶ Чизма муаллиф томонидан тузилган.

тенденцияларини умумлаштириш мазкур соҳанигина эмас, балки иқтисодиётни ҳам барқарор ривожланишини таъминлайди. Бу жараённи ҳудудлар кесимида амалга оширилиши улардаги салоҳиятни бир-бири билан таққослаш имконини беради.

Бунда, устунлик ва камчиликларни ҳамда ҳудудлар ўзаро тажрибасидан фойдаланишни омилли баҳолаш имконияти яратилади.

Демак, кичик бизнес омилларининг самарадорлиги миқдор мезони бўлган иш билан бандликдаги, инвестициялардаги, экспортдаги соҳа улушини ортишига боғлиқ экан. Кичик бизнес фаолиятини ифодаловчи миқдорий кўрсаткичлар самара мезонларини ўзгаришига олиб келади. Жумладан, омиллар самарадорлиги тарзида меҳнат самарадорлиги, капитал қайтими, меҳнат сиғими, капитал сиғими, материал сиғими, энергия сиғими кабиларни эътироф этиш мумкин. Миқдор кўрсаткичлари таркибида натурал, қиймат, ҳамда улушли кўрсаткичлар баҳоланган. (1-расм).

1-жадвал

Кичик бизнеснинг ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини баҳолаш усуллари¹⁷

Услуб асосида аниқланувчи индикатор номи	Ҳисоблаш услуби	Кўрсаткичларнинг номи
Капитал қайтими, сўм	$SKQ_t^i = \frac{SMH_t^i}{(SI_{t-1}^i + SI_t^i)/2}$	SKQ_t^i – i-соҳада t-даврдаги капитал самарадорлиги, сўм; SI_t^i (SI_{t-1}^i) – i-соҳага t-давр (t-1-давр)да киритилган инвестициялар ҳажми, сўм.
Нисбий капитал қайтими, коэффицент	$SNKQ_t^i = \frac{YIMU(YHMU)_t^i}{(SIU_{t-1}^i + SIU_t^i)/2}$	$SNKQ_t^i$ – i-соҳада t-даврдаги нисбий капитал самарадорлиги; SIU_t^i (SIU_{t-1}^i) - t-давр (t-1-давр)да i-соҳанинг инвестициялардаги улуши, фоиз.
Капитал интенсивлик, сўм	$SKI_t^i = \frac{(SIH_{t-1}^i + SIH_t^i)/2}{SBS_t^i}$	SKI_t^i - i-соҳада t-даврдаги капитал интенсивлик, сўм; SIH_t^i (SIH_{t-1}^i) - t-давр (t-1 - давр)да i-соҳага йўналтирилган инвестиция ҳажми, сўм; SBS_t^i - t-даврда i-соҳада иш билан банд бўлганлар сони, киши;
Нисбий капитал интенсивлик, коэффицент	$SNKI_t^i = \frac{(SIU_{t-1}^i + SIU_t^i)/2}{SBU_t^i}$	$SNKI_t^i$ - i-соҳада t-даврдаги нисбий капитал интенсивлик; SIU_t^i (SIU_{t-1}^i)- t-давр (t-1 - давр)да i-соҳага киритилган инвестицияларнинг жамидаги улуши, фоиз; SBU_t^i - t-даврда i-соҳада иш билан банд бўлганларнинг жамидаги улуши, фоиз.

Кичик бизнесни барқарор ривожланишида юқорида кўриб ўтилганидек, натижавий кўрсаткичлар муҳим. Соҳанинг ўзига хос хусусиятлардан келиб

¹⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

чиқилса, ишчи кучи, инвестиция каби омиллар самарадорлигини тадқиқ этиш зарурати пайдо бўлади. Уларни ўрганишда эса, алоҳида-алоҳида эмас, балки яхлит ҳолдаги синергик самарадорлигини аниқлаш лозим. Андижон вилоятида кичик бизнес соҳасида йўналтирилган инвестицион лойиҳалар бўйича олиб борилган тадқиқотларни кўрсатишича, асосий лойиҳалар ўртача 2 йиллик даврда тўлиқ қувватда фаолият кўрсатмоқда. Бу эса, ишчи кучи ва инвестицияларнинг синергик самарадорлиги мазкур даврдан юқори даражаларга эришмоқда. Шу боис, омилларнинг синергик самарадорлигини баҳолашда вилоят хусусиятидан келиб чиқиб инвестицияларнинг икки йиллик ўртачаси асосида баҳолаш усуллари ишлаб чиқилди (1-жадвал).

Кичик бизнес самарадорлигини баҳолаш усулларида асосий эътибор олинган натижанинг сарфланган ресурсларга нисбати тамойилига қаратилган бўлса, уларнинг натижавий кўрсаткич билан боғлиқлиги даражасини баҳолаш имконияти чекланган. Шу боис, корреляцион-регрессион усуллар асосида кичик бизнес омиллари самарадорлигини тадқиқ этишнинг эконометрик моделини ишлаб чиқишда Кобба-Дуглас функциясидан фойдаланилади.

Эконометрик моделда иштирок этувчи омилларнинг кичик бизнес ва унинг самарадорлиги билан корреляцион боғланишини ҳам ҳисобга олган ҳолда Кобба-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси асосида қуйидаги тенглик ишлаб чиқилди:

$$kb_t^{YHMu} = a1 * inv_t^{Ulush} + a2 * band_t^{Ulush} + a3 * exp_t^{Ulush} + a4 * san_t^{Ulush} + a5 * qish_t^{Ulush} + a6 * xiz_t^{Ulush} + a7 * qur_t^{Usish}, \quad (1)$$

бунда: kb_t^{YHMu} – кичик бизнеснинг ЯХМдаги улуши; inv_t^{Ulush} – кичик бизнесга киритилган инвестицияларнинг жамидаги улуши; $band_t^{Ulush}$ – кичик бизнеснинг иш билан бандлардаги улуши; imp_t^{Ulush} – кичик бизнеснинг импортдаги улуши; exp_t^{Ulush} – кичик бизнеснинг экспортдаги улуши; san_t^{Ulush} – кичик бизнеснинг саноатдаги улуши; $qish_t^{Ulush}$ – кичик бизнеснинг қишлоқ хўжалигидаги улуши; xiz_t^{Ulush} – кичик бизнеснинг хизматлардаги улуши; qur_t^{Ulush} – кичик бизнеснинг қурилишдаги улуши.

Юқоридаги баҳолаш услублари ва муаллифнинг эконометрик моделлари асосида олинган натижалар кичик бизнеснинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун кучли таъсир қилувчи омилларни тадқиқ қилиш ёрдамида уларнинг ижобий жиҳатларини таъминлаш билан соҳанинг барқарор ривожлантириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Диссертациянинг «**Андижон вилоятида кичик бизнесни ривожланиш тенденциялари ва омилларининг самарадорлиги таҳлили**» номли иккинчи бобида Андижон вилояти туман ва шаҳарларида кичик бизнеснинг тармоқ ҳамда ҳудуд бўйича хусусиятларининг замонавий ҳолати таҳлил

этилган. Шу билан бирга, кичик бизнес фаолиятининг барқарорлик даражаси, унга меҳнат ва капиталнинг таъсири ҳудудий кўрсаткичлар асосида баҳоланган.

Андижон вилоятида кичик бизнес фаолияти юқори кўламга эга бўлиб, иш билан бандликни таъминловчи асосий бўғин ҳисобланади (2-жадвал). Аҳоли зич, кенг кўламли меҳнат ресурси мавжуд Андижон вилоятида кичик бизнес соҳасини кенгайтириш талаб этилади. Вилоятда 2010-2019 йилларда кичик бизнеснинг ЯХМдаги улуши умумий ҳолда 1,3 мартага ортиб, 54,7 фоиздан 71,4 фоизгача ўсган. Шунингдек, 2019 йил якунлари бўйича кичик бизнеснинг соҳа ва тармоқлар улуши тадқиқ этилганда, қишлоқ хўжалиги (99,3 фоиз), қурилиш (97 фоиз), юк ташиш (95 фоиз), йўловчи ташиш (96 фоиз) етакчи ҳиссага эга бўлди. Иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларидан бири – саноатнинг улуши 2010-2019 йиллар давомида 2,5 мартага ортган бўлса-да, 21,4 фоизни ташкил этмоқда (2-жадвал). Саноат тармоғини кенгайтириш, унинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш кўшилган қиймат занжирини ҳаракатга келтиради.

2-жадвал

Андижон вилоятида кичик бизнес фаолиятига тегишли иқтисодий кўрсаткичлар (жамига нисбатан фоиз ҳисобида)¹⁸

Кўрсаткичлар номи	Йиллар									
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
ЯХМ	54,7	56,3	57,4	57,5	59,4	60	66	72	73,4	71,4
Саноат	8,4	12,3	12,3	11,7	17,4	18,3	49,6	34,4	19,8	21,4
Қишлоқ хўжалиги	98,9	99,8	99,8	99,9	99,8	99,8	99,7	99,7	98,9	99,3
Капитал қўйилмалар	50,4	42,9	42,9	49,6	52,1	50,5	57,8	54,1	53,8	67,3
Қурилиш ишлари	94,0	93,1	93,1	89,9	92,8	93,1	94,1	94,3	96,4	97,0
Чакана савдо айланмаси	51,0	45	44,5	44	44,1	44,6	93,6	91,9	88,8	87,4
Жами хизматлар	61,5	64,8	65,8	68,1	74,2	71,5	72,9	73,7	71,7	68,7
Юк ташиш	71,8	79,7	82,5	82,5	85,6	93,3	94,2	94,8	94,0	95,0
Йўловчи ташиш	83,9	82,9	85,8	85,8	84,5	87,8	92,1	96,6	96,4	96,0
Экспорт	6,4	9,7	11,9	18,3	27,5	56,3	75,7	56,0	74,1	59,8
Импорт	3,7	7,0	8,0	5,3	7,0	8,1	16,5	18,1	16,4	15,9
Аҳоли бандлиги	81,2	82,4	82,9	83,2	84,0	83,8	84,1	84,5	84,6	84,8

Вилоятда саноат улушини ошириш учун етарлича салоҳият мавжуд. Жумладан, меҳнат ресурслари, улар таркибида иш билан банд бўлмаганлар ҳамда хомашё ва ресурслар мавжуд. Шунингдек, саноатни ривожлантириш учун интеграция жараёнларини амалга оширишда ҳам институционал асос шаклланди. Яъни автомобилсозлик заводи, у билан боғлиқ корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми вилоят ҳамда водий ҳудудларида жойлашган.

¹⁸ Андижон вилояти Статистика Бош бошқармаси маълумотлари.

Бу эса, иқтисодиёт ривожланишини сифат жиҳатдан таъминловчи реал сектор улушини ошириш, бунда, йирик ва кичик бизнеснинг саноатдаги интеграциясига эътибор бериш лозим.

Одатда, вилоят ҳудудларида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони нотекис ўзгариб борган. 2010 йилдаги 95,9 фоиздан 2019 йилгача камайиб бориб, 89,4 фоизни ташкил этган. Бу эса, фаолият юритмайдиган кичик бизнес субъектлари улуши ортиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Шу боис, бунинг сабабларини тизимли таҳлил этиш учун фаолият юритмайдиган кичик бизнес субъектларининг улушини ўрганиш зарур.

Кичик бизнес субъектларининг фаолият юритмаслик сабаблари тадқиқ этилганда қатор муаммолар аниқланди. Жумладан, асосий сабаблардан бири – айланма маблағлар етишмаслиги, маҳсулотларга талаб мавжуд эмаслиги кабилардир. Айниқса, бу ерда ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг бозорини баҳолаш ҳамда тизимли тадқиқ этиш зарур.

Шундай бўлса-да, кичик бизнеснинг барқарор даражасини фаолият юритмаётган субъектлар улуши билан баҳолаш етарли эмас. Комплекс кўрсаткичлар асосида барқарорлигини баҳолаш муҳим.

Кичик бизнеснинг барқарорлигини мониторинг қилишда «молиявий», «институционал», «ташқи иқтисодий фаолият» индикаторларини киритиш зарур. Натижада, нафақат соҳанинг умумий барқарорлигини, балки, соҳа ва тармоқлар самарадорлигини ҳам баҳолаш имкони пайдо бўлади.

3-жадвал

Андижон вилояти туман ва шаҳарларида кичик бизнес субъектларининг умумий барқарорлик даражаси¹⁹

Ҳудудлар	Иқтисодий барқарорлик	Ижтимоий барқарорлик	Молиявий барқарорлик	ТИФ бўйича барқарорлик	Институционал барқарорлик	Умумий барқарорлик
Андижон ш.	0,537	0,63	0,312	0,371	0,829	0,536
Хонобод ш.	0,611	0,66	0,418	0,106	0,183	0,395
Андижон т.	0,590	0,40	0,554	0,430	0,219	0,439
Асака т.	0,578	0,38	0,026	0,242	0,208	0,286
Балиқчи т.	0,608	0,46	0,699	0,430	0,290	0,497
Бўстон (Бўз) т.	0,632	0,43	0,724	0,285	0,312	0,477
Булоқбоши т.	0,700	0,46	0,736	0,339	0,055	0,457
Жалақудук т.	0,641	0,46	0,666	0,471	0,138	0,474
Избоскан т.	0,688	0,59	0,705	0,324	0,047	0,470
Улуғнор т.	0,394	0,51	0,298	0,323	0,481	0,402
Қўргонтепа т.	0,632	0,51	0,816	0,700	0,218	0,576
Марҳамат т.	0,663	0,42	0,640	0,654	0,266	0,529
Олтинқўл т.	0,713	0,44	0,627	0,468	0,272	0,503
Пахтаобод т.	0,673	0,50	0,610	0,456	0,100	0,468
Хўжаобод т.	0,583	0,52	0,696	0,513	0,337	0,530
Шаҳрихон т.	0,743	0,45	0,756	0,651	0,137	0,548
Энг юкори қиймат	0,857	0,66	0,816	0,752	0,829	0,782
Энг кичик қиймат	0,148	0,38	0,026	0,090	0,047	0,138
Ўртача қиймат	0,619	0,49	0,570	0,420	0,257	0,471

¹⁹ Андижон вилояти Статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Андижон вилоятида кичик бизнес субъектлари фаолиятининг умумий барқарорлигини баҳолаганда вилоятда ўртача кўрсаткич 0,47 бирликни акс эттирди. Шундай бўлсада, вилоят даражасидаги кўрсаткичга нисбатан паст ҳолат 6 та туман ва шаҳарларда аниқланган бўлса, ўртача кўрсаткич (0,471) дан юқори ҳолатлар 10 та туманда қайд этилди (3-жадвал).

Умумий барқарорлик даражаси юқори қийматларни акс эттирган ҳудудлар молиявий ва ташқи иқтисодий фаолият бўйича барқарорлик кўрсаткичларига бевосита боғланган. Жумладан, молиявий мезонларнинг асосини инвестициялар ташкил этмоқда. Яъни асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўрта муддатли тури реал секторнинг самарадорлигига кучли таъсир қилмоқда. Мазкур инвестиция тури асосан саноатга йўналтирилганлигини эътиборга олсак, бу тармоқнинг самарадорлиги ўрта муддатли инвестициялар билан боғланади.

Шу билан бирга, ташқи иқтисодий фаолиятнинг таркибий тузилиши асосида амалга оширилган ҳисоб-китобларнинг ифодаланиши ҳам, саноат соҳасидаги тадбиркорлик самарадорлиги технологиялар трансферига кучли боғлиқликни акс эттирган. Яъни технологиялар трансфери хорижий инвестициялар асосида кириб келиши билан бирга, унинг экспорт салоҳияти ошмоқда. Хусусан, янги технологиялар асосидаги саноат тадбиркорлиги асосан экспортга маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Кичик барқарорлик коэффициенти тўғри келган ҳудудлар эса, институционал барқарорлик билан кучли корреляцияси мавжудлиги аниқланди. Жумладан, мазкур индикатор асосини аҳоли сони, иш билан бандлик даражаси, уларнинг кичик бизнесга тегишли кўрсаткичлари ташкил қилади.

Андижон вилоятида иш билан бандларнинг асосий қисми кичик бизнесда банд бўлганларни ташкил этмоқда. Жумладан, ушбу кўрсаткич 2010 йилда 81,2 фоизни ташкил этган бўлса, ўсиб бориб, тадқиқот даври охирида 84,8 фоизгача етди. Мазкур кўрсаткич вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида 2019 йилга келиб, 2010 йилга нисбатан ўсган ва ижобий тенденцияга эга бўлган.

Андижон вилояти туман ва шаҳарларидаги кичик бизнесда бандлар даражаси ривожланаётган иқтисодий тизимга хос хусусиятни ифодаламоқда. Ҳатто, аксарият ривожланган мамлакатларда ҳам кичик бизнес соҳасида банд бўлганлар жамига нисбатан 80 фоизни ташкил қилади. Шундай бўлсада, ушбу кўрсаткичлар меҳнат омилидан фойдаланишнинг миқдорий жиҳатларини акс эттиради. Ривожланган мамлакатларда кичик бизнесда иш билан банд бўлганларнинг улуши тармоқлар кесимида хизматлар ва саноат соҳаларида юқори ҳисобланади. Андижон вилояти ҳудудларида эса, ушбу кўрсаткич асосан хизматлар соҳасига тегишли, саноатнинг улуши эса ўта кичик қийматларни ташкил этмоқда. Шу боис, самарадорлик жиҳатлари ҳам паст.

Меҳнат омилидан фойдаланишнинг тармоқлар кесимидаги нисбий унумдорлиги баҳоланганда саноатнинг улуши қолган тармоқларга нисбатан 2-3 баробар юқори. Бу умумий ҳолда саноатда кўшилган қиймат ва унумдорликнинг юқорилиги билан асосланади. Бу эса, саноатга алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади. Саноатни ҳудудларда кенгайтириш учун инфратузилма объектлари сонини ошириш лозим. Шунингдек, минтақа хусусиятлари асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи озиқ-овқат ва енгил саноатни ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг «**Кичик бизнесни барқарор ривожлантириш ва омиллар самарадорлигини ошириш истиқболлари**» номли учинчи бобида Андижон вилоятида кичик бизнес барқарорлигига таъсир этувчи омилларни иқтисодий-математик усуллар асосида баҳоланган ва кучли боғлиқликдаги манбалар аниқланган. Шунингдек, кичик бизнес ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлиги тадқиқ этилган, унинг йирик бизнесдаги ҳолати ҳам баҳоланиб, кичик бизнес билан солиштирма тадқиқ қилинган. Шу билан бирга, кичик бизнес иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва омиллар самарадорлигини оширишга инфратузилма ва унинг турлари бўйича таркибий тузилиши таъсири баҳоланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарадорлик жиҳатларини тадқиқ қилишда меҳнат унумдорлиги, меҳнат сиғими, капитал қайтими, капитал интенсивлик каби кўрсаткичлар баҳоланади. Мазкур кўрсаткичларни баҳолашда қиёсий таҳлил, нисбий катталикларни аниқлаш, абсолют ва қиймат асосида таҳлил каби ёндашувлардан фойдаланилган.

Андижон вилоятида кичик бизнес соҳасида меҳнат унумдорлиги қиймат усулида таққослама нархларга келтириш орқали баҳоланди. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида баҳоланган кўрсаткич қиймати 2010 йилдаги 15,1 млн.сўмдан ортиб бориб, 2019 йилда 24,0 млн.сўмга етган. Кичик бизнесдаги меҳнат унумдорлигининг қиймати 2010-2019 йиллар давомида ўртача 18,9 млн.сўмга тенг бўлган. Бу кўрсаткичнинг ўсиш суръатлари баҳоланганда эса, тебранувчи тенденция аниқланди ва ўртача 5,7 фоизга тенг бўлган.

Юқорида меҳнат унумдорлигининг қийматлардаги ифодаси 2010-2019 йилларда 1,6 мартага ошган. Шунингдек, банд бўлганлар сони эса 1,2 мартага ортган. Яъни, ушбу икки кўрсаткич ўзгаришидан кўриниб турибдики, самарадорлик ошмоқда. Шундай бўлса-да, умумий меҳнат унумдорлиги билан соҳадаги самарадорликни тўлиқ баҳолаб бўлмайди. Унга қўшимча равишда капитал қайтими, капитал интенсивлик кабиларни ҳам тадқиқ этиш лозим.

Кичик бизнесдаги капитал қайтими коэффиенти 2010-2019 йилларда тебранувчи тенденцияни ифодалаган. Ушбу кўрсаткич тадқиқот даврида ўртача 1,21 га тенг бўлган. Кичик бизнесдаги капитал қайтими йирик бизнесдаги ҳолат билан солиштирма тадқиқ этилганда кичик бизнес устунликлари аниқланди. Яъни, йирик бизнесдаги мазкур кўрсаткич қиймати

2010 йилдан 2019 йилгача камайиб бориб, ўртача 0,87 га тенг бўлган. Шу билан бирга, йирик бизнеснинг тармоқлардаги улуши асосида баҳоланган капитал қайтими саноатда юқори бўлиб, ўртача 1,68 га тенг бўлган (4-жадвал).

4-жадвал

Андижон вилоятида йирик ва кичик бизнеснинг тармоқлардаги капитал қайтимининг солиштирма таҳлили²⁰

Йиллар	Йирик бизнес (ЙБ) бўйича	Кичик бизнес (КБ) бўйича	Нисбий фарқлар
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4 (4=3/2)</i>
2010	0,91	1,09	1,19
2011	0,77	1,31	1,71
2012	0,75	1,34	1,79
2013	0,84	1,16	1,37
2014	0,85	1,14	1,35
2015	0,81	1,19	1,47
2016	0,81	1,14	1,42
2017	0,61	1,33	2,18
2018	0,58	1,36	2,37
2019	0,87	1,06	1,21
Ўртача	0,78	1,21	1,61

